

Кўхна Самарқанднинг янги Қорасуви



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



ЖАМИЯТ

№ 32 (668)
2019 йил
23 август,
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган www.bong.uz jamiyatgzt@mail.ru

Замини серсаховат, халқи серҳиммат



Дунёда мамлакатлар кўп, лекин Ўзбекистон ягона! Ўзбекистон Ер шарининг энг сўлим манзилларидан, табиатнинг энг нодир гўшаларидан. Ўзбекистон — бағри кенг, иқлими мўътадил, осмони осуда, замини серсаховат, халқи серҳиммат, беқиёс ва бетакрор диёр. Бунинг тарих ҳам, бугун ҳам исботлаб турибди. Дунёнинг турли бурчакларида турфа нотинчликлар, табиий офатлар тез-тез содир бўлиб турган таҳликали замонда бизнинг Ватанимиз тинч ва осуда, халқимиз хотиржам ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Буларнинг барчаси, аввало, мустақиллик шарофатидан. Бугун биз истиқлол берган неъматларни, имкониятларни санаб саноғига, алқаб адоғига етолмаймиз.

Шулардан бири сўз эркинлиги, фикр эркинлиги. Бугун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир шахс ўз фикрини, муносабатини аниқ ва очиқ ошкор қилиш имконига эга. Эркин мулоқот, тезкор муурожаат тизими кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистондаги ахборот майдонида сўз эркинлиги, фикрларни эркин баён қилиш кўзга қўринаётган муҳим тенденциялардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бу, албатта, жуда яхши. Жамиятимизда бартараф этилиши керак бўлган муаммоларнинг аҳоли вакиллари томонидан ҳам эркин баён қилинаётгани, ўртага ташланаётгани қувонарли.

Агар ёндашув нуқтаи назаридан таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда фақатгина муаммоларни кўриш устуворлик қилиб, уларнинг моҳиятини англаш, сабаб-оқибатларини ўрганиш орқали самарали ечим излаш, натижа кўрсатиш бир қадар оқсая қолмоқда. Ҳар бир оиладаги ҳар қандай муаммо, ўз навбатида, жа-

миятга дахлдор, тараққиётга қишан. Ўз муаммоларини фақатгина ўзи ҳал қилиш учун тиришиб яшаётган оила учун ёрдам қўли чўзилмас экан, у шу ташвишлар гирдобига шўнғиб қолади, чўкиб кетади. Бу эса барчамиздан бирдек оғоҳлик, бирдек дахлдорлик, оқибат талаб қилади. Шу боис аҳоли фаровонлиги, ижтимоий барқарорлиги, жамият маърифати давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланган.

Бугун биз миллий юксалиш йўлидамыз. Албатта, ривожланишимиз керак. Биз, албатта, камчиликларимизни муҳокама қилишимиз, уларни бартараф этишимиз зарур. Бир нарсани унутмаслигимиз лозимки, барчамиз бир кемадамыз. Яъни Ўзбекистон дея аталган катта бир кемада. Ҳар бир инсон шу кемани «Ватаним» деб ҳисоблаётган бир оиламыз. Мана шу кеманинг соғ-саломат манзилга етиб бориши бизнинг қанчалар ҳамжиҳат,

Давоми 2-саҳифада ►►

Президент Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар ижроси билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида жорий йилнинг 20-21 август кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифни амалга оширди.

**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИНГ!**

◀ Бошланиши 1-саҳифада

бирдам, ҳамфикр бўлишимизга чамбарчас боғлиқ. Барчамиз шу кемага дахлдор, барчамиз шу кемага масъул!

Юрти, халқи, миллатини севган инсон ўзлигини, ўз ўрнини англаши, ўз вазифасини билиши, масъуллигини ҳис қилиши кифоя. Масъулиятли инсон фидойи, жонқур бўлади. Ушбу сифатларни мужассам этганлар эса чинакам ватанпарварлар саналади. Мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро шу замин эгаси, шу замин посбони. Юртнинг ҳар бир сижим тупроғи, ҳар бир қарич ерига дахлдор. Унда гиёҳ ундириб, неъмат улашиш ҳам, сувсиз саҳро каби қовжиратиб, қақшатиш ҳам ўз қўлида.

Шундай экан, она Ватанимизни турли бузғунчи қарашлардаги ёвлардан, таҳдидлардан омонликда асраш, миллий-маънавий қадриятларни авайлаш, келажак авлодга бекаму-қўст

Замини серсаховат, халқи серҳиммат

етказиб бериш, абдиётга юзлаштириш шу заминда нафас олиб яшаётган ҳар бир шахснинг вижлон иши, имон ҳаловатидир.

Жамият тараққиёти йўлидаги ҳар бир мақсад сари бир ёқадан бош чиқариб, бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилиш, ўзаро қўллаб-қувватлаш ривожланишнинг энг

муҳим тенденцияларидан. Шу маънода, мустақиллик шодиё-

налари арафасида барчамизни маънавий баркамоллик, маърифий юксалиш, миллий манфаатлар, миллий тараққиёт йўлида янада бирлашишга, янада жипшлашишга, далил қадамлар билан шахдам олға интилишга, ҳақон саҳнасида муқим ва мустаҳкам ўрни эгаллашга чорлаб қолам.

Истиқлол айёми юр-



тимиз ва халқимизга ҳамisha шоду-хуррамлик, тўқин-сочинлик, хотиржамлик ва фаровонлик, тўю тантаналар улашишда бардавом бўлсин!

Алишер ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари,
«Маърифат» тарбиётчилар жамияти аъзоси



Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «ОАВларда миллатлараро бағрикенглик ва дўстликни, тинчлик ва барқарорликни кенг тарғиб этиш» мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат потижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қўйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

— аҳолилар томонидан тўпланган тарихий, маданий меросларни асраб-авайлаш, уни ҳисоб келаетган авлод тарбияси зарурлиги борасидаги жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

— миллий ва умуминсоний қадриятларни ёшлар оғига сингдиришга, этник маданий анъаналарни асраб-авайлашга, халқ ижодиётини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

— Ўзбекистонда яшаб келаетган турли миллат ва элатларнинг азалий миллий анъаналари, урф-одатлари, улумларини сақлаш борасида амалга оширилатган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

— маданий меросни сақлаш, аҳоли ўртасида маданий меросга бўлган муносабатни янада юксалтириш, уларни келажак авлодга бекаму-қўст етказиш ва маданий меросга бўлган муносабатни шакллантириш борасида тарғибот ишларини кучайтириш;

— мамлакат маданий-тарихий меросини оммалаштиришга, тарихий сайёҳлик қадимжоларни танитишга, уларни фаолиятини тарғиб этишга қаратилган ОАВ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;

— миллий маданий марказлар томонидан мамлакатимизнинг эркин демократик тараққиётини акс эттирувчи турли хилдаги тўпламлар, ижодий ишларини чоп этишга, халқ оммасига етказишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

— Ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарорликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш соҳасидаги ютуқлари, мамлакатдаги бағрикенглик тамойиллари, тарихий ва маданий мерос, аҳолининг урф-одатлари, қадриятлари тўғрисида ахборот, таҳлилий материаллар ва аниқликларни миллий ва хорижий ОАВда кенг ёритиш;

— жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларининг ўзига хос миллий анъана, урф-одат ва маросимларини сақлаш ҳамда ривожлантириш бўйича мамлакатимизда изчил амалга оширилатган чора-тадбирлар тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиш;

— миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик,

бирдамликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро тотувликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш;

— миллий ҳунармандчилик соҳасида устоз-мураббийлик анъаналарини янада ривожлантириш, кекса авлоднинг билими, тажрибаси ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш, уларни ҳаётга талбиқ этишга кўмаклашиш;

— туризмнинг тарихий-илмий, экологик, фаол, гастрономик ва бошқа турларини хорижий аудитория ўртасида оммалаштириш орқали Ўзбекистоннинг сайёҳлик ҳамда маданий-тарихий жозибадорлигини кучайтириш;

— туризмни ривожлантиришда муҳим ўрин тутадиган янги маданий сайёҳлик йўналишларини ташкил этишга, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, янги иш ўринларини ташкил қилиш, инновацион технологияларни жалб этишга кўмаклашиш;

Давлат гранти танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори — 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 23 августдан 25 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди» номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертга (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди «Жамиятда юксак маънавиятни ва қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш» мавзусида Давлат грантлари ажратиш учун танлов ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат потижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг қўйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа буюртманомалари қабул қилинади:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидалари, тамойиллари ва мақсадларини очиб беришга, қонун меъёра-ри ҳақида билимлар тарбиётига қаратилган махсус нашрлар, мақолаларни тайёрлаш ва чоп этиш;

— аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишга, аҳолининг ҳуқуқий маланиятини оширишга кўмаклашиш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга ННТ фаолиятини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий онгини юксалтиришга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

— қонунларнинг инсонлар ҳаётга реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевоқиф тартибга солишгаги роли ва аҳамиятини юксалтиришда ижтимоий шерикликнинг инновацион усулларини жорий этиш;

— сифатли ижтимоий хизматлар кўрсатиш қўламини кенгайтиришга, аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга, маҳаллалар ободлигини таъминлашга кўмаклашиш;

— аҳолининг маънавий-ахлоқий, психологик билимларини ошириш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жамиятда соғлом маънавий муҳитни таъминлашга кўлаб-қувватлаш;

— кекса авлод вакилларига ғамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёши улғур инсонларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, ёшлар томонидан уларнинг ҳаётий тажрибаларини ўрганиш, кексаларни ҳурмат қилишга, эъзозлаш, ғамхўрлик кўрсатиш тўғрисида шакллантиришга кўмаклашиш;

— ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ, эркинлик, қонуний манфаатларини амалга оширишдаги тенг шартлоллар яратиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, меҳнат фаолиятига мослаштиришга ёрдам кўрсатиш;

— ёшларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, филолилик туйғуларини қарор топтиришга кўмаклашиш;

— аёллар, болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш;

— вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, уларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказишга шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш;

— одам савдоси, ноқонуний меҳнат миғрациясидан жабр кўрган аҳолига тизимли профилактик тарбиёт, таъвиқот ва реабилитация чора талбирларини амалга оширишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

Давлат гранти танловда иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза;
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳноманинг муҳр билан тасдиқланган нусхаси;
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори — 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2019 йил 23 августдан 25 сентябргача қабул қилинади.

Ҳужжатлар «Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди» номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертга (А4 форматда) юборилиши шарт.

Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 22 август куни мамлакатимизга амалий ташриф билан келган АҚШ Давлат котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Девид Хейлни қабул қилди.

Инвестициявий жозибадорлик, экспорт салоҳияти:

Ишчи-хизматчиларга эътибор ва рағбат — бош мақсадимиз

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида барча соҳаларда кенг қамровли ҳаётбахш ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айни жараёнда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш, барча соҳа ва тармоқларда истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, инсон манфаати ҳар недан улуғ, деган эзгу тамойилни рўйбга чиқариш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бу борада яқин истиқболда «Qo'qonspirt» акциядорлик жамияти фаолиятини ҳар томонлама юксалтириш бўйича ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда соҳа ва тармоқлар кесимида бир қатор иқтисодий дастурлар ижросини таъминлашга жиддий киришилган. Бу эса, яқин йилларда корхона фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

Бош мезон

Бугун кимнинг ҳам тараққиётдан ортда қолгиси келади, дейсиз?! Аммо юксак орзу-мақсадларни рўйбга чиқариш учун шунчаки яхши ниятнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун муштарак мақсад йўлида корхонанинг кўп миң сонли аҳил-иноқ жамоаси фаоллик ва фидойилик кўрсатиши зарур. Ташаббус йўқ жойда эса тараққиёт бўлмайди. Истиқболли инвестиция дастурларини тўлиқ амалга ошириш бевосита шу каби изчил саъй-ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида яқин истиқболда корхонада 14,8 миллион долларлик «Qo'qonspirt» АЖда бугдой клейковинаси (глютен) ишлаб чиқаришни ташкил этиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Шу йил тўлиқ амалга ошириши кутилаётган мазкур лойиҳа бўйича дунё миқёсида танқули Германиянинг «FLOTWEG SE» ва «VetterTec GmbH» компаниялари билан яқиндан ҳамкорлик қилинмоқда.

Бу каби инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш корхонада муқим иш ўринлари яратиш, ишчи-хизматчилар фаровонлиги ошишини таъминлайди. Пировардида, корхонанинг иқтисодий салоҳияти юксалиб, унинг стратегик ривожланиш режасига мувофиқ, кўп-ла лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда муқим омил бўлиб хизмат қилади.

Экспорт — корхона шаъни

Албатта, истиқболли лойиҳаларни рўйбга чиқариш, модернизация, техник ва технологик жиҳатдан янгиланган бора-сида кўзда тутилган бизнес-режаларни амалга оширишда корхонанинг экспорт фаолияти муқим аҳамият касб этади.



Илм-фан ютуқлари ва инновацион ғояларни амалга оширишда юксак тафаккур ва дунёқарашга эга, замонавий билимларни пухта ўзлаштирган ёш мутахассис кадрлар захирасини яратиш доимий эътиборда. Бу борада корхонада Фарғона политехника институти, Кўқон сервис ва тadbиркорлик, Кўқон нефть ва газ саноати ҳамда Кўқон политехника касб-ҳунар коллежлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Корхонанинг биргина малакали кичик мутахассисларга бўлган эътижини қондириш мақсадида 2018-2019 ўқув йилида ўқишни тамомлаётган 44 нафар битирувчининг диплом олди амалиётларини бевосита корхона цехларида ўташи таъминланди.

Айни кунларда якунига етаётган бугдой клейковинасини ишлаб чиқариш лойиҳаси асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотга нафақат ички бозорда, балки узоқ яқин хорижда ҳам талаб ва тақлиф жуда юқори ҳисобланади. Экспорт географияси ва салмоғини йилдан-йилга ошириб бориш мақсадида корхонада доимий равишда кўп-ла истиқболли лойиҳалар амалиётга жорий этмоқда.

Кадрлар захирасини яратиш доимо эътиборда

Президентимиз мамлакатимиз олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, академик олимларимиз билан юзма-юз мулоқотларда илм-фан ва ишлаб чиқариш амалиётини ўзаро уйғунлаштириш бугунги давр талаби эканини таъкидлагани бежиз эмас. Боиси, илм-фан ва ишлаб чиқариш бир-бирини тўлдирувчи узвий жараёндир.

Илм-фан ютуқлари ва инновацион ғояларни амалга оширишда юксак тафаккур ва дунёқарашга эга, замонавий

билимларни пухта ўзлаштирган ёш мутахассис кадрлар захирасини яратиш доимий эътиборда. Бу борада корхонада Фарғона политехника институти, Кўқон сервис ва тadbиркорлик, Кўқон нефть ва газ саноати ҳамда Кўқон политехника касб-ҳунар коллежлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Корхонанинг биргина малакали кичик мутахассисларга бўлган эътижини қондириш мақсадида 2018-2019 ўқув

йилида ўқишни тамомлаётган 44 нафар битирувчининг диплом олди амалиётларини бевосита корхона цехларида ўташи таъминланди.

Корхонада янги ишга туширилаётган бугдой клейковинасини ишлаб чиқариш цехига Фарғона давлат ахборот технологиялари университетини тамомлаган 12 нафар олий маълумотли ёш мутахассис кадр ишга қабул қилинди.

Эътибор ва рағбат

Хабарингиз бор, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи

ялпи мажлисида давлатимиз раҳбари ўз нутқида кўп-ла муҳим масалалар қатори хотин-қизлар учун муносиб иш ва турмуш шароити яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, аёлларнинг социал-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишга алоҳида ургу берди.

Шундан келиб чиқиб, бу ерда ҳам 800 нафардан зиёд ишчилар бирдамликда меҳнат қилаётган корхонада ҳар бир ишчи-ходим ва унинг оиласига ғамхўрлик кўрсатиш, айниқса, хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш, ижтимоий ҳимоя қилиш устувор вазифалар сирасига киритилган.

«Qo'qonspirt» АЖ касаба уюшма ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда корхона маъмурияти ишчи-ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлан-

тириш, турмуш шароитини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, соғлигини тиклаш, оилавий тўй ва маъракаларни ўтказиш, оромгоҳларда дам олиш ва уларнинг фарзандлари учун мароқли ҳордиқ онларини ташкил этиш ишларига жиддий эътибор қаратади. Турли байрам тadbирлар арасида корхона ишчи-хизматчилари учун файзли дастурхон ёзиш ҳамда соғва-саломлар улаштириш яхши анъанага айланган. Шунингдек, қутлуғ саналар муносабати билан меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилалар, тўлиқсиз оилада вояга етаётган фарзандлар ҳолидан хабар олинди, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Корхона маъмурияти томонидан кейинги икки йилда ишчи-ходимларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, соғлигини мустаҳкамлаш, касб касалликларининг олдини олиш мақсадида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишга 15,4 миллион сўмдан орტიқ маблағ сарфланди. Бунинг натижасида ишчи-ходимларга бепул сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти кенгайтирилди.

«Qo'qonspirt» АЖ ишчи-хизматчилари ўртасида оммавий спорт ва жисмоний тарбияни кенг тарғиб этиш учун спорт комплекси барпо этилган. Корхонада самарали меҳнат қилиб келаётган ишчи-ходимларни рағбатлантириш, уларни маданий дам олишларини таъминлаш, ишлаб чиқаришда соғлиғига зарар етган ногиронлар, боқувчисини йўқотган оилалар, уруш ва фронт орти фахрийлари ҳамда ишламаётган пенсионерларга Наврўз, Мустақиллик байрамларида моддий қўллаб-қувватлашга 122 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Биргина жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларига санаторийларда даволаниш учун 26 та йўланма ажратилди. Болалар соғломлаштириш оромгоҳида 2019 йили ёзги мавсумда ишчи-хизматчиларнинг 25 нафардан зиёд фарзандлари дам олди. Таъкидлаш ўринлики, бу каби ижтимоий ҳимоя тadbирлари ва меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ходимга муносиб эътибор ҳамда рағбат кўрсатиш бундан буён ҳам доимий эътибор марказида бўлади.

Бир сўз билан айтганда, энг улуғ, энг азиз неъматимиз бўлиши Истиқлол нафақат бирор бир ҳудуд ёки тизим фаолиятида, балки ҳар бир жамоа, корхона, ташкилот ва муассасалар ҳаётида ўзининг ёрқин изларини қолдириб келмоқда. Фарғона вилоятининг энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлган «Qo'qonspirt» акциядорлик жамиятида ҳам мустақиллик шарофати билан қўлга киритилган муваффақиятларнинг саногии йўқ. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 28 йиллигини муносиб қутлиб олиш учун корхона меҳнат жамоасида катта тайёрлик ишлари олиб борилмоқда.


Рустам МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ АҲОЛИСИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Марказий банк раиси ўринбосари С.М.Холжўяев томонидан жорий йилнинг 24 август кунини соат 11:00 да Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги биносида жисмоний ва юридик шахслар иштирокида сайёр қабул ўтказилади. Сайёр қабулда иштирок этиб, банк ва молия соҳасида сизни қийнаётган муаммоларга ижобий ечим топинг.



Термизда жорий йилнинг 24-25 август кунлари «Ўзбекистон — цивилизациялар чорраҳи» номи халқаро археологик форум бўлиб ўтади.




Тошкент шаҳридаги : «DENTAFILL PLYUS»

КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни
мустақиллигимизнинг қутлуғ 28 ёши билан
самимий қутлайди!

Давлатимиз равнақи, мамлакатимиз
фаровонлиги йўлида олиб бораётган
улкан ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

Истиқлол шукуҳи ҳар бир хонадонга,
ҳар бир гўшага қувонч
ва шодлик олиб келсин.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик,
осойишталик абадий бўлсин!



Халқаро қиличбозлик федерацияси шафелигида 5-6 сентябрь кунлари пойтахтимизда қиличбозликнинг рапира ҳамда 7-8 сентябрь кунлари шпага йўналишларида катталар ўртасида «FIE Satellite» халқаро турнири ўтказилади.



Tom markazi «Metal invest group» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

юртдошларимизни Истиқлолимизнинг
28 йиллиги билан самимий муборакбод этади!
Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимизни
янада тараққий эттириш, халқимиз
фаровонлигини юксалтириш йўлидаги барча эзгу
ишларингизга муваффақиятлар тилайди.
Тўқин-сочинлик, тинчлик, ҳурлик неъматини
ҳамиша биз билан бирга бўлсин!



Ваша надежная
крыша!



+(99890) 174 98 38



XalqBanki

Халқаро рейтинг
агентлиги

2019 йил 12 августда

FitchRatings

Ўзбекистон Республикаси
Акциядорлик тижорат Халқ банкининг

Халқаро кредит рейтингини
ВВ — БАРҚАРОР даражасида тасдиқлади



«O'ztemiryo'lyo'lovchi» АЖ мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги байрами муносабати билан 1, 2, 3 сентябрь кунлари «Самарқанд — Тошкент — Самарқанд» йўналишида «Afrosiyob» поездларида янги рейсларни амалга оширади.

Кўхна Самарқанднинг янги Қорасуви

Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири деб эътироф этилган, ўзининг бой тарихий ва маданий меросига эга — кўхна Самарқанднинг ёнгинасида янги — Қорасув даҳаси қад ростлади. Шу пайтга қадар Самарқанд туманига қарашли бўлган 50 гектарлик бу ҳудудда қисқа муддатда кенг кўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.



Самарқанд шаҳар ҳокимлигидан берилган маълумотга кўра, бу даҳада 2018 йил Давлат дастури бўйича аҳоли учун «Ўзшаҳарқурилишнинг» инжиниринг компанияси томонидан жами 32 та 7 қаватли уй-жой қурилган. Ҳарбий хизматчилар учун 12 та 5 қаватли уй, 235 ўринли мактабгача таълим муассасаси ва мактаб биноси барпо этилган. Айни пайтда 2019 йил Давлат дастури бўйича яна 13 та 7 қаватли уй-жой қад ростламоқда.

Булар ҳаммаси эмас. Биз бу янги массивда қурувчилар билан суҳбатлашиб, бундан-да ажойиб, бундан-да улугвор

ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдик. 2019–2021 йиллар давомида «Агромир Билдинг» масъулияти чекланган жамияти томонидан Туркиянинг замонавий технологиялари асосида монолит усулида жами 65 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Уларнинг 45 таси шу йил охиригача ишга туширилади. Қолган қурилиш ишлари 2020 йилда ниҳоясига етади. Бу 4065 оиланинг уйли бўлишига имкон яратади. Замонавий, шинам, барча қулайликларга эга ушбу турар жой бинолари 16 қаватдан иборат бўлади. Айни пайтда қурилишда 1 минг 500 дан зиёд ишчи ва мутахассис меҳнат қилмоқда.

Маълумки, туркиялик қурувчилар жаҳон қурилиш бозорини ўзинга хос нуфузга эга. «Агромир Билдинг» масъулияти чекланган жамиятининг ушбу мамлакат қурувчилари билан ўзаро ҳамкорлиги Қорасув массивида олиб

борилаётган бунёдкорлик жараёнида ўз самарасини бермоқда. Ҳозир 250 нафардан ортиқ туркиялик қурувчи-муҳандис кўп қаватли турар жойларни барпо этишда иштирок этмоқда.

— Бу массивда қурилиши режалаштирилган уйлар тез ва сифатли барпо этилади, — дейди туркиялик мутахассис, лойиҳа координатори Жейхун Хуюктепа. — Масалан, 16 қаватли уйни



бир ойда қуриб битириш мумкин. Бу биноларнинг зилзилага бардошлилиги ҳам юқори. Давр ўзгарди, замонавий меъморчилик, урбанизация, деган атамалар пайло бўлди. Қорасув массивида амалга оширилаётган қурилиш жараёнида ҳам ана шу жиҳатларни кўриш мумкин. Яъни ҳар бир бино қурилишида ҳудуднинг кескин континентал

иқлими, бино хоналарида тоза ва мўътадил ҳавони таъминлаш ҳисобга олинмоқда. Биноларнинг ичи табиат фалларига монанд — қишда иссиқ, ёзда салқин бўлади.

Ушбу масканга кўчиб келаётганлар бу ерда яратилган шарт-шароитлардан беҳад мамнун. Янги жой барибир янгида. Шу жиҳатдан қаралганда муаммоларнинг бўлиши ҳам табиий. Бу эса вилоят мутасаддиларининг эътиборида. Буни яқинда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимовнинг ушбу масканга кўчиб келган аҳоли билан мулоқот ўтказганидан ҳам аниқлаш мумкин.


Вилоят ҳокими учрашув чоғида фуқаролар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Қорасув массивида амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирди.

Ҳоким мазкур массивда айни пайтда 16 қаватли замонавий уйлар қурилаётган бўлса, келаси йилдан бошлаб 30 қаватли бинолар қад ростлашни алоҳида таъкидлади. Шунингдек, маҳаллада замон талаблари даражасидаги 1 минг 500 ўринли мактаб ва давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги мактабгача таълим муассасалари қурилиши ҳам айтиб ўтди. Эркинжон Турдимовнинг айтишича, бу маҳалла янги, кўркем ҳамда яқин йилларда 100 минг аҳоли, келажакда эса 1 миллион киши яшайдиган шаҳарчага айланади.

Абдуракул САТТОРОВ.
Суратлар муаллифи
Бахтиёр МУСТАНОВ.

Паркент тумани Халқ таълими бўлими жамоаси

энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни табриклайди. Сиз, азизларга эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Тинчлик ва барқарорлик ҳукм сурган юртда тараққиёт бўлади, байрамлар байрамларга уланади, унинг руҳи қалбларга сингади, татийди. Шундай экан, байрамона кайфият, янги орзу-умидлар сизларни асло тарк этмасин.



Грозний шаҳрида бокс бўйича ўтказилаётган аънавий халқаро турнирнинг чорак финалидан 8 нафар боксчимиз муваффақиятли ўтди.

Ёмонликнинг йўлини тўсиб, яхшилик тарқатайлик...

Салон тўла одам. Автобус чайқалиб-чайқалиб кетяпти. Гоҳ ўнга, гоҳ чагга оғади, бир тормоз қаттиқ босилади, бир газ... Ҳайдовчи тинмай сўкинади. Бировларнинг онаси ҳам, синглиси ҳам, қизи ҳам қолмади...

Охири сабрим чидамади. Сирғалиб олд эшик томон юрдим. Унча навбатдаги бекат яқинлашиб қолди.

— Амаки нега бунча сўкинаси?

— Кўрмайсанми буларнинг ҳайдашини, безрайиб йўлингга чиқиб келади. Булар кўчада юришни билмайди...

— Шу сўканингизни улар эшитдимми?

— Асабингни бузгандан кейин нима қилсан?

— Сиз бир ўзингиз кетмаёйсиз, автобус тўла одам. Сочингиз оппоқ, ёшингиз олтидан ошганга ўхшайди, сизга ярашадими шу?

— Ақл ўртагидан кўп, асабинг бузилса кўрасан.

— Шундай орқангизда 10-12 ёшли қизча турибди. Небарангиз тенги бўлса керак. Хеч бўлмаса шундан уялсангиз бўларди! Ёки унда ҳам қизингиз, келинингиз, неварангиз олдида сўкинаси?

Шунда калласига бир нима урилгандек, ҳайдовчи бирдан ўзгарди.

— Кечир ўғлим, билмай қолибман...

— Сиз мендан эмас, автобустаги одамлардан, бориб, ана тушиб кетган қизчадан кечирим сўранг, мана йўл ҳақи, омон бўлинг, бу ёғига нетрода кетаман...

Қизик, ҳайдовчининг оғзидан нима кириб нима чиқяпти, келганини қайтармай сўкинаёпти, бировнинг демайди.

Тасвирга олиб, интернетга жойласамчи, сўкиниши минг баробар кўпайиб ўзига қайтиб келади, деган

хаёлга ҳам бордим. Лекин нега энди бу беодобликни тарғиб қилишим керак, деб дарров фикримдан қайтдим.

Бунақа беодобларни нега тарбиялаб қўя олмаймиз? Нега танбех бермаймиз?

Очигини тан олайлик, унга танбех бейойда, деймиз-у, аслида, «Сиз кимсиз менинг ишимга аралашадиган?», «Сизга нима, йўлингиздан қолманг», «Сен ўзингни бил»... деган гапларни эшитишдан, бизга ҳам ташланиб кетишидан, изза қилишдан қўрқамиз!

Лекин бир кишига ташланар, икки кишига ташланар, борингки, уч-тўрт кишига бас келар, лекин ҳаммага гап топиб бера олмайдику, ҳаммани беобрў қиллолмайдику, кўпчиликка қарши боролмайдику...

Ҳўш танбех бермабмиз, тартибга қақирмабмиз, икки оғиз эътироз билдиришни ўзимизга эп кўрмабмиз, телефонга тушириб, бутун дунёга тарқатишдан мақсад нима? Бу видеони онангиз, опангиз, синглингиз, аҳли аёлингиз, қизингиз кўриши учунми? Ёки мақсад ростдан ҳам уларнинг юзидан ҳаё пардасини йиртиб ташлашми?

Тўғри, ҳар ким ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, лекин, келинг, бир ахмоқгарчилик, беандишаникни оламга жар солгандан кўра, қўлимиздан келса яхши ишларни тарқатайлик...

Бекзод ШУКУРОВА

Аслият йўли

Ишдан ҳорғин уйга қайтдим. Ҳар кунги одатимга кўра, тоқчада турган радионинг муруватини бурадим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров ижросида ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий қаламига мансуб «Хоразм сегоҳи» янграрди.

Ашулани бутун вужудим билан тингладим. Чарчоним ёзилиб, кайфиятим қўтарилди. Унинг кетидан «Талқини наво» ашуласи ижро этилди. Бу ашулаларни тинглаб, ўзимга маънавий озуқа олдим, руҳимда ўзгача энгилликни ҳис этдим.

Дарҳақиқат, Хоразм мақомлари, куйлари ўзининг ўйноқчилиги, сержилулиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради. Хусусан «Фарёд», «Нақш», «Ораз», «Хоразм дугоҳи» каби ашулаларни эшитган ҳар инсон ўзини тетик, бардам ва ҳар қандай дарддан фориг сезади. Қўшиқ дилга қувноқлик, руҳиятга тетиклик ва маънавий озуқа ато этади. Хоразм мақомларида инсоннинг назик ҳис-туйғулари, табиатнинг мўъжизакор гўзаллиги, инсонийлик, меҳр-оқибат, вафо ва садоқат, оташин муҳаббат қиссалари ўзига хос оҳангларида қуйланади. Шу боис бўлса керак, барчага бирдек ёқимли, кайфиятни қўтариб, беихтиёр рақсга чорловчи сеҳри бор.

Хоразм мақомлари қадим замонлардан авлоддан-авлодга, устоздан-шоғирдга маънавий мерос сифатида ўтиб, сайқал топиб келган. Унда ҳам Бухоро шашмақоми каби чолгу ва айтим йўллари мавжуд. Хоразм мақомларининг усуллари ва куй-оҳанглари «Пашмақом»га жуда яқин. Аммо улар маҳаллий услубда ижро этилиши билан фарқ қилади.

Хоразм мақомлари муайян тизимда XIX асрнинг биринчи ярмида шаклланган. Бухоро мақомлари каби асосан олти мақом — «Рост», «Бузрук», «Наво», «Дугоҳ», «Сеғоҳ», «Ироқ» кабилардан иборат. Хоразмлик истеъдодли мусақчилар «Пашмақом» таркибига «Панжтоҳ» номли еттинчи мақомни кашф этиб, қўшишган.

Маълумки, Урганчада «Хоразм мақом маркази» ташкил этилганга кўп бўлгани йўқ, Бу мақомга иқтидорли ҳофизлар ака-ука Гафуржон ва Гуломжон Эшжоновлар раҳбарлик қилмоқда. Ансамбл-

нинг мусиқа раҳбари Фанижон Ниёзматовдир. Марказ аъзолари доимо ижодий изланишда. Улар Хоразм мақомларининг унутилиб кетган айрим йўлларини қайта тикламоқда. Ҳозирча «Панжтоҳ» мақомидаги тўққизта тарона аниқланган. Улардан бештасига ғазаллар битилиб, мақом ижрочилари ҳукмига ҳавола этилди. Яна қолган тароналари устидан ижодий иш олиб борилмоқда. Хоразмлик бастакор Бозорбой Ўринбоевнинг таъкидлашича, 2002 йили танбур нога чизининг 168 саҳифадан иборат яна бир нусхаси мавжудлиги маълум бўлган.

Ҳар бир авлод халқ мусиқаси дурдоналарини ўз даврининг илғор анъаналари билан бойитган. Унга сайқал бериб, кенгайтирган. Бу борада хоразмлик мақом усталарининг хизматлари беқиёс, албатта. Масалан, биргина «Лазги»ни олиб кўрайлик. Бу куй ва рақсда инсон, унинг руҳий ва ҳиссий қалб кечинмалари, ҳаёти ва муҳаббати ифодаланган. Халқимизнинг оташнафас хонанда ва моҳир созанласи Комилжон Отаниёзов шoir Комил Хоразмийнинг «Кимни севар ёрисан?» матласи билан бошланалган қўшиғи «Лазги» тарихида янги саҳифа очди. Бу эса Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Отажон Худойшукуров, Раҳматжон Курбонов, Олмадон Ҳайитова, Ўктам Аҳмедов, Каримбой Раҳмонов ва бошқаларнинг «Лазги» йўлларига асос бўлиб хизмат қилди. Бугунги кун хонандалари орасида ҳам бу қўшиқни қуйламаган, унинг шўҳ ва ўйноқи жозибасидан дилларни хушнуд этмаган хонанданинг ўзи бўлмади керак. Шу боис ҳам Хоразмнинг боқий қўшиқлари асрлар ўтса-да, ўз жозибасини, сеҳрини, жўшқинлигини бир дам йўқотмаган.

Олимжон ГАФУРОВА,
музыкашунос

Эълон

«SURXON SAVDO INVEST» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади

2019 йил 23 сентябрь куни соат 11:00 да Термиз шаҳри «Сўфи Оллоҳёр» кўчаси ёқасида очик аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси қадам ва қадам ошиши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузурдаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Сурхондарё вилоят бошқармасига тегишли бўлган 7 дона автотранспорт воситалари кўйилмоқда:

1. 2009 йилда ишлаб чиқарилган 75/475 VAA давлат рақамли «CHEVROLET MATIZ DLX» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 20 444 278 сўм.

2. 2008 йилда ишлаб чиқарилган 75/476 VAA давлат рақамли «CHEVROLET MATIZ DLX» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 18 737 190 сўм.

3. 2008 йилда ишлаб чиқарилган 75/478 VAA давлат рақамли «CHEVROLET MATIZ DLX» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 18 737 190 сўм.

4. 2009 йилда ишлаб чиқарилган 75/479 VAA давлат рақамли «CHEVROLET MATIZ DLX» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 20 444 278 сўм.

5. 2008 йилда ишлаб чиқарилган 75/482 VAA давлат рақамли «CHEVROLET MATIZ DLX» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 18 297 190 сўм.

6. 2007 йилда ишлаб чиқарилган 75/480 VAA давлат рақамли «DAEWOO NEXIA» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 22 347 644 сўм.

7. 2007 йилда ишлаб чиқарилган 75/481 VAA давлат рақамли «DAEWOO NEXIA» русумли автомашинасининг

Бошланғич баҳоси: 22 347 644 сўм.

Автотранспорт воситаси билан Сурхондарё вилоят департаменти ходими иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Юқоридаги мулк 2019 йил 23 сентябрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, ёки савдо голиби белгиланган муддатда шартнома имзолангандан сўнра шартнома шартлари бажармаган тақдирда аукцион савдолари 2019 йил 8, 23 октябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосига қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун

харидорлар закалат пули тўғрисида келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнра объект бошланғич баҳосининг 15 фозидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «SURXON SAVDO INVEST» масъулияти чекланган жамиятининг Х/р: 20208000100512709001. ИНН: 303477661 ХАБ «Трастбанк» Термиз филиали МФО: 01063 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйдаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар учун: Термиз шаҳри «Сўфи Оллоҳёр» кўчаси ёқаси. Телефон 0 (376) 223-77-83.

Гувоҳнома №903

Кўпчиликнинг кўпчилик ҳақидаги сўзи

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фўқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси,
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси,
Ўзбекистон Мустақил Босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди,
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси,
Ўзбекистон экологик ҳаракати,
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси,
«Фўқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Таҳрир хайъати:
Рустам Қосимов
Рустам Қосимов
Борий Алихонов
Акmal Саидов
Шавкат Жавдов

Газета таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-814 Адади: 1402.
Жума кунчи чиқади.
Когоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи: Баҳринос Мадумарова

Дизайнер: Бегали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77,
233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiaty@uzmail.uz
Газета индекси — 131

*ЖАМИЯТ*дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Уза кўчи:
Топширилган вақти: 15.45

1 2 3 4 6



Finland butter DONNA жамоаси:

Donna bilan
har qanday
nonushta
yoqimli
va sevimli



Mahsulot sertifikatlangan
"Finland Butter" XK xizmat ko'rsatadi

— Мустақиллигимизнинг
28 йиллиги муборак
бўлсин!
Халқимизга тинчлик,
хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик,
хонадонларингизга
осойишталик, фойзу
барака тилаймиз.
Истиқлол инъом этган
хурлик, бахту саодат
юртимизни асло тарк
этмасин!